

ЎЗИҚИШ БИЛДИРИШ СЎРОВНОМАСИ

Мамлакат: Ўзбекистон Республикаси

Лойиҳа: Осиё тараққиёт банки (ОТБ) иштирокида "Дарбанд–Бойсун–Элбаён" автомобиль йўлининг 5-70 км қисмини ва 4Р100 "Манғузор–Жарқўрғон–Бандихон–Олтинсой–Денов" автомобиль йўлининг 128-174 км қисмини реконструкция қилиш

Соҳа: Гендер масалалари бўйича миллий мутахассис

Пакет рақами: SRRP/ICS/GS

Консультант тури: Индивидуал

Манба: Миллий

Танлаш усули: Индивидуал консультант танлови

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўллари кўмитаси гендер масалалари бўйича миллий мутахассис танловини эълон қилади.

Мутахассис ОТБ тартиб ва қондиларига мувофиқ танлаб олинади.

Мутахассисга қўйилган малака талаблари: Мутахассис гендер тадқиқотлари, ижтимоий фаолият, жамиятни ривожлантириш, социология, психология каби тегишли соҳалардан бирида камида магистр даражасига, шунингдек, инфратузилма лойиҳаларини ишлаб чиқишда гендер масалаларидаги ҳаракатлар ва ташаббусларини кенг тадбиқ қилиш ва/ёки амалга ошириш бўйича 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига, шу билан бир қаторда, гендер масалаларига оид дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича тегишли тажрибага ҳамда одамлар билан кучли алоқа қобилиятларига, мукамал оғзаки ва ёзма мулоқот қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ўзиқиш билдирмоқчи бўлган консультантлар хизмат кўрсатиш учун зарур малака ва тегишли тажрибага эга эканликларини кўрсатадиган маълумотларни тақдим этишлари керак.

Батафсил маълумот ва техник топшириқни ОТБнинг Консультантларни бошқарув тизимидаги (СМС) Консультант хизматларини жалб қилиш тўғрисидаги хабарнома

(CSRN)дан олиш мумкин, шунингдек қизиқиш билдиришномалари ОТБнинг Консултантларни бошқарув тизими www.cms.adb.org орқали 2022 йил 7 ноябга қадар юборилиши лозим.

Қўшимча маълумотни қуйида кўрсатилган манзилдан олиш мумкин:

Автомобиль йўллари қўмитаси

Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68

Телефон: (99871) 268-99-68

Электрон манзил: surkhandarya.project@gmail.com